"Matematika hisob-kitob emas, balki inson tafakkurini yuksaltiruvchi mihim omildir"

Математика фани инсон ва инсоният учун нега керак? Тараққиётда унинг аҳамияти қандай?

Олий Мажлис Сенати аъзоси, ЎзФА Математика институти директори, физика-математика фанлари доктори, академик Шавкат Аюпов ана шу саволларга батафсил жавоб бериши қаторида, юртимизда сўнгги йилларда илм-фанни ривожлантириш, олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар аҳамияти ҳақида сўзлаб берди.

Эксклюзив интервью

— Ўқувчилик даврим Тошкентда ўтган. Мактаб йилларидаёқ математика, физика ва табиий фанларга қизиқиш уйғонган. Ушбу қизиқиш аста-секин меҳрга, сўнгра кучли иштиёққа айланиб кетган. Ҳатто юқори синфларга қадам қўйганимда "Келажакда математик бўлсаммикан ёки физик?" деган икки йўл ўртасида қолиб кетганим эсимда. Бундай ёқимли кураш якунида барибир математика ғолиб келган. Албатта, устозларимнинг ўгитлари, маслаҳатлари, беминнат ёрдамлари мазкур танловда катта роль ўйнаган. Натижада 9-синфда шу фан бўйича олимпиадаларда қатнаша бошладим. Ўша вақтларда академик Саъди Ҳасанович Сирожиддинов ташаббуси билан мана шундай билимлар беллашувлари ўтказиларди. Шаҳар, вилоят босқичида ғолиб бўлиб, республика босқичига чиқдим. Республика олимпиадаси эса Самарқандда ташкил этилди. Унда ғолиб бўлганимда юрагимда кечган тенги йўқ қувонч ҳамон ёдимда ва илмий-амалий изланишларимнинг илҳом манбаи сифатида хотирамда муҳрланиб қолган.

Шундай қилиб, аниқ фанлар уммонига кириб келганман. Лекин бошқа фанларни ҳам ташлаб қўймаганман. Афсуски, ҳозирда кўп ёшларимиз бир фанни танласа, бошқа фанларга умуман эътибор бермаяпти.

Ак 4